O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

Шу азиз Ватан — барчамизники

O'zbekiston ovozi

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASINING SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI ❑ 2000 YIL 14 OKTABR SHANBA № 120 (26.670)

ТАШРИФ САМАРАЛИ БЎЛДИ

Расмий ташриф билан мамлакатимизга келган Украина Президенти Леонид Кучма 13 октябрь куни эрталаб Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ҳамроҳлигида пойтахтимиздаги Хотира ва қадрлаш майдонига бориб, Мотамсаро она ҳайкали пойига гул қўйди. Меҳмон Ватан озодлиги йўлида қурбон бўлганлар хотирасини ёдга олди.

Шундан сўнг, Украина раҳбари пойтахтимизнинг Тарас Шевченко кўчасига борди. 1969 йили украиналик қурувчилар кўмаги билан бунёд этилган, айни пайтда шаҳардаги намунали билим масканларидан бири ҳисобланган 110-мактабнинг ўқувчилари меҳмонларни гулдасталар билан қарши олди. У ерда украин халқининг озодлик қўйчиси Тарас Шевченко хотирасига ўрнатилажак ёдгорлик пойдеворига рамзий тош қўйди.

Шу ернинг ўзида халқимиз билан елкама-елка меҳнат қилиб, тинч-тотув истиқомат қилиб келаётган украин миллатига мансуб юртдошларимиз билан учрашув бўлди. Бугунги кунда юртимиздаги украинлар сони 300 мингдан зиёд. Улар ҳам мамлакатимиздаги бошқа миллат вакиллари қатори Ўзбекистоннинг иқтисодий қудратини, халқ фаровонлигини ошириш йўлида бошқа миллатлар билан баҳамжиҳат меҳнат қилмоқда. Бунинг асосида, албатта, юртимиздаги мустаҳкам тинчлик ва барқарорлик ётибди. Учрашувда буларнинг барчаси Ўзбекистон раҳбарияти, хусусан, Президент Ислом Каримов юритаётган изчил сиёсат натижаси эканлиги алоҳида таъкидланди.

Шу куни Леонид Кучма Ислом Каримов ҳамроҳлигида Бухорога борди.

Президентлар Бухоро нефтни қайта ишлаш заводида бўлиб, бу ерда йўлга қўйилган замонавий иш услуби билан танишди. Ислом Каримов ва Леонид Кучма марказий бошқарув пултида меҳнат қилаётган мутахассислар билан суҳбатлашди.

Украина Президенти Леонид Кучма заводнинг фахрий меҳмонлар китобига дастхат ёзиб қолдирди.

— Мен бу китобга мазкур заводдек замонавий корхоналар келажакда Ўзбекистоннинг қиёфасини белгилайди, деб ёздим, — деди Украина раҳбари журналистлар билан суҳбатда. — Модомики, мамлакат раҳбарияти шундай замонавий ва улкан корхоналар бунёд этиш ҳақида ўйлаётган экан, демак, ўша давлатнинг порлоқ келажагини ҳам яратаяпти.

Куннинг иккинчи ярмида Украина раҳбари Бухородаги қадим ва жозибадор тарихий обидалар — Сомонийлар мақбараси, Пойи Калон мажмуига кирувчи Минораи Калон, Масжиди Калон ва Мирараб мадрасаси, Лабиҳовуз ансамбли, Нодир девонбеги мадрасасини зиёрат қилди.

— Мазкур меъморий обидаларнинг қиёфасига қараб, мамлакатингизда маънавий қадриятларга қанчалик катта эътибор берилаётганини, ўз тарихига бўлган улкан эъзозни кўриш мумкин, — деди Л.Кучма. — Бухоронинг қадимий обидалари мени ҳайратга солди. Бу бинолар нафақат Ўзбекистон халқининг, балки бутун дунёнинг мулкидир.

Украина Президенти шу куни Бухородан Киевга жўнаб кетди. Бухоро аэропортида олий мартабали меҳмонни Президент Ислом Каримов кузатиб қолди.

Украина Президенти Леонид Кучманинг мамлакатимизга ташрифи, томонлар якдиллик билан таъкидлаганидек, жуда самарали ва самимий кечди. Икки кун давом этган бу сафар мамлакатларимиз ўртасидаги анъанавий дўстлик ҳамда кенг кўламли савдо-иқтисодий ва сиёсий ҳамкорликнинг янада мустаҳкамланишида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

■ **Саидмурод РАҲИМОВ,**
Анвар КАРИМОВ,
Илҳом САФАРОВ,
ЎзА мухбирлари

СУРАТДА:
Бухоро зиёрати.

Рўзмат ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган сурат

ТУРКИЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ А. Н. СЕЗЕРНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА РАСМИЙ ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таклифига биноан Туркия Республикаси Президенти Аҳмет Неждет Сезер шу йил 16-17 октябрь кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлади.

Ташриф чоғида икки томонлама алоқаларнинг ҳозирги аҳволи ва истиқболларига оид ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилиши, шунингдек, қатор қўшма ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКИЯ:

УЛКАН ЎЗГАРИШЛАР АРАФАСИДА

16 октябрь куни Туркия Президентининг мамлакатимизга ташрифи бошланади. Бу Аҳмет Неждет Сезернинг Ўзбекистонга илк расмий ташрифи бўлади.

Туркия раҳбарлари Ўзбекистонга кўп келган. Умуман, олий даражадаги ташрифлар анъанага айланган, деса ҳам бўлади. Аввал марҳум Турғут Ўзол, кейин бир неча бор Сулаймон Демирэл, кейинроқ Тансу Чиллер ва Месут Йилмаз Ўзбекистонга келиб кетган. Президент Ислом Каримов ҳам Туркияда кўп меҳмон бўлган. Бу олий даражадаги учрашувлар, албатта, биринчи галда муҳим сиёсий аҳамиятга эга. Мулоқотлар чоғида тили, дини, тарих ва маданияти муштарак икки халқнинг ўзаро алоқаларини янги замон руҳида ривожлантириш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилди. Бунинг натижасини биргина иқтисодий соҳа мисолида ҳам кўриш мумкин. Ўтган давр мобайнида Туркия бизга катта иқтисодий шерик бўлиб улгурди. Ҳозир мамлакатимизда турк сармояси иштирокида тузилган 375 корхона фаолият кўрсатяпти. Уларнинг юзга яқини эса тўлалигича туркиялик ишбилармонлар сармояси асосига қурилган.

Ўзбекистон Туркия билан фан-техника, таълим, маданият, спорт, қишлоқ хўжалиги, сайёҳлик, алоқа ва бошқа кўплаб соҳаларда ҳам самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Масалан, спорт соҳасида эришилган сўнгги ютуқ сифатида 13-17 июль кунлари Анталия шаҳрида ўзбек кураши бўйича иккинчи жаҳон чемпионати ўтказилганини қайд этиш мумкин. Буни ўзбек курашининг шуҳратини дунёга ёйиш, халқаро миқёсда оммалаштириш борасидаги ҳамкорликнинг юксак намунаси, десак муболаға бўлмайди.

Туркия билан муносабатларимиз хусусида гап кетганда, халқларимиз ўзаро мулоқотда ўзини бегона ҳис қилмаслигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ўзбекистонга келган турк таржимонсиз, йўлбошловчисиз юраверишi, айни шуни Туркияга борганда биз ҳам қилишимиз мумкин. Яқинлигимизни тасдиқловчи эътиборга молик мисоллар кўп. Дейлик, Туркия музейларга бой мамлакат. Қоидага биноан музейга кириш чиптаси маҳаллий фуқарога арзонроқ, чет эллиқка қимматроқ нархда сотилади. Ўзбекистондан борган сайёҳ эса маҳаллий фуқаро билан бир хил нарх тўлайди. Ажабланмангиз, «нега ҳайрон бўласиз, ҳаммамиз ҳам туркийлар-ку, тилимиз бир, шундай экан сиз биз учун бегона эмассиз», мазмунидаги илиқ гаплар айтилади.

Бу ўзаро ҳурмат-эътиборнинг бир кўринишi, холос.

Энди Туркиянинг биз ҳали унчалик яхши таниб улгурмаган янги президенти Аҳмет Неждет Сезер жаноблари ҳақида. А.Сезер мазкур олий лавозимга шу йил май ойида сайланган. Бунинг қизиқ тарихи бор. Ўша вақтда мамлакат ҳукумати анчагина жиддий инқирозга юз тутган эди. Туркия қонунларига биноан эса давлат раҳбарини Буюк миллат мажлиси (парламент) сайлайди. Сайлов асосида кўплаб партиялар президентликка ўз номзодини кўрсатди. Лекин бирор фракция парламентда мутлақ кўпчиликни ташкил этмасди. Бош вазир Булент Эжевит ўша пайтдаги президент Сулаймон Демирэлни ўз лавозимида қолдириш учун уриниб кўрди. Лекин бу номзод ҳам етарлича овоз ололмади. Шундан кейин ҳеч бир партияга аъзо бўлмаган, фаол сиёсатдан анчайин узоқроқ номзодгина кўпчилик депутатларнинг рўй-хоҳишига мос келиши аёнлашиб қолди. Бундай холис одам топилди. У — Аҳмет Неждет Сезер — ўша вақтлари мамлакат Конституциявий судига раҳбарлик қиларди.

Президент Ислом Каримов Туркиянинг янги раҳбари билан илк мулоқотини БМТнинг яқинда Нью-Йорк шаҳрида бўлган «Мингйиллик саммити» доирасида ўтказган. Ўша мулоқот чоғида президентлар икки томонлама алоқаларнинг янги саҳифасини очишга келишиб олди. Олий даражадаги делегациянинг ташрифидан олдин, ички ва ташқи ишлар вазирлари, қуролли кучлар бош штаби вакиллари Ўзбекистонга келиб кетди. Буларнинг барчаси Президентларнинг Нью-Йорк учрашувининг мантиқий давоми эди. Зеро, икки томонни ҳам қизиқтирган масалалар, ташвишга солаётган муаммолар кўп, уларга ҳамкорликда ечим топиш учун дастлаб соҳа вакилларининг алоҳида мулоқоти талаб қилинар эди.

Муаммолар хусусида Ўзбекистон ва Туркия раҳбарларини, айниқса, ҳамфикр қилган халқаро терроризм хусусида алоҳида тўхталмоқ даркор. Бу муаммо бизнинг минтақага ҳам жиддий хавф солаётгани сир эмас. Айни пайтда бу балони Туркия ҳам бошдан кечираётгани, ҳали-ҳамон унинг айирмачилик ва мутаассиблик кўринишидаги шаклларига қарши курашаётгани ва анча тажриба орттиргани кўпчиликка маълум. Бинобарин, «бошидан ўтказган — табиб», деганларидек, бу борада айнан Ўзбекистон — Туркия ҳамкорлиги яхши самара бериши тайин. Албатта, минтақамиз мамлакатларининг терроризм қарши курашдаги ўзаро ҳамжиҳатлигидан кўз юмиб бўлмайди. Лекин, бу иллат бир минтақа доирасида қолиб кетмаслигини инобатга олсак, унга қарши кураш жуғрофияси қанча кенг бўлса, шунча яхши натижа бериши аёнлашади.

Икки мамлакат президентларининг Тошкентда ўтажак музокаралари чоғида кўп масалалар муҳокама этилиши кутилмоқда. Шу боис томонлар Аҳмет Сезернинг бу ташрифи икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш имкониятини яратади, деб ҳисоблаётганини таъкидлаймиз, холос.

■ **Анвар БОБОЕВ,**
ЎзА шарҳловчиси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ И. А. КАРИМОВ БИЛАН УКРАИНА ПРЕЗИДЕНТИ Л. Д. КУЧМАНИНГ ҚЎШМА БАЁНОТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг таклифига биноан Украина Президенти Л. Д. Кучма 2000 йил 12-13 октябрда Ўзбекистон Республикасида расмий ташриф билан бўлди.

Бўлиб ўтган музокаралар давомида Ўзбекистон Республикаси ва Украина Президентлари ўзбек-украин муносабатларининг ҳозирги аҳволи, кенг кўламдаги икки томонлама ҳамкорлик масалалари ва унинг келгусидаги истиқболларини, ўзаро қизиқиш уйғотувчи бир қатор халқаро ва минтақавий масалаларни муҳокама қилдилар.

Олий Томонлар Ўзбекистон Республикаси ва Украина ўртасида икки халқ орасидаги анъанавий дўстликка асосланган ҳар томонлама ҳамда тенг ҳуқуқли ҳамкорликни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш заруратидан келиб чиқиб, замон талабларига мувофиқ равишда стратегик шерикликни чуқурлаштиришга кўмаклашувчи механизмларни барпо этишга қаратилган чораларни ишлаб чиқиш заруратини эътироф этиб, қуйидагиларни баён қиладилар:

1. Ўзбекистон Республикаси билан Украина ўртасидаги муносабатлар дўстлик ва ишонч, тенглик ва ўзаро манфаатдорлик, суверенитетни ҳурмат қилиш ҳамда бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик принциплари асосида изчил ривожланмоқда.

2. Олий Томонлар Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А.Каримовнинг 1999 йил 7-8 октябрда Украинага амалга оширган ташрифи давомида эришилган аҳдлашувлар, 1998 йил 19 февралдаги Ўзбекистон Республикаси ва Украина ўртасида дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада чуқурлаштириш тўғрисида Шартнома қоидалари, шунингдек, бошқа асосий икки томонлама шартномалар бажарилишининг боришидан қониқиш изҳор этдилар.

3. Президентлар икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик стратегик шерикликнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқ эканлигини таъкидладилар, тинчлик, барқарорлик ва собитқадам ривожланишни мустаҳкамлаш ва қўллаб-қувватлашда уларнинг позициялари ўзгармас эканлигини, бу эса Ўзбекистон Республикаси ва Украина суверенитети ва мустақиллигини таъминлашда принципиал аҳамиятга эга эканлигини тасдиқладилар.

(Давоми 2-бетда)

ИШБИЛАРМОНЛАР УЧРАШУВИ

Давлат раҳбарлари хорижий сафарга чиқса, имкон қадар мамлакатнинг етакчи ишбилармонларини ўзига ҳамроҳ қилади. Зеро, мамлакатлараро муносабатларнинг асосини иқтисодий алоқалар ташкил этади. Украина Президенти Л.Кучмага ҳам юртимизга ташрифи асносида бир гуруҳ ишбилармонлар ҳамроҳ бўлиб келган эди. Расмий делегацияларнинг ташрифи давом этар экан, пойтахтимиздаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида икки мамлакат ишбилармонларининг учрашуви бўлди. Унда турли соҳа вакиллари ўзи раҳбарлик қилаётган корхона ё муассасаларнинг имкониятлари ҳақида сўзлади. Турдош соҳалар мутасаддилари ҳамкорлик кўламини кенгайтириш юзасидан фикр алмашди. Томонлар товар айирбошлаш ҳажмини ошириш учун яна қандай қўшимча маҳсулотлар ва хизматлар таклиф қилиниши мумкинлиги ҳақида ахборот берди.

Тадбирда Украинанинг айрим вилоятлари раҳбарлари ҳам иштирок этди. Улар ўзлари бошқараётган ҳудудлардаги корхоналарнинг Ўзбекистон билан қайси соҳаларда биргаликда иш юритиши мумкинлиги ҳақида сўз юритди.

Украина тадбиркорлар ва ишлаб чиқарувчилар иттифоқи президенти Анатолий Кинах бундай мулоқотлардан кейин икки мамлакат ўртасида айирбошланаётган товарлар миқдори кўпайишини таъкидлади.

Умуман олганда, учрашувнинг асосий мақсади Ўзбекистон ва Украинанинг турли вазирликлари, концернлари ва компаниялари ўртасида тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатиш, мавжуд ҳамкорликни янада ривожлантиришга кенг йўл очишдан иборат эди. Мулоқот сўнггида қатнашчилар унинг самарали кечганини таъкидлади.

■ **(ЎзА)**



Измир шаҳри кўриниши.

XXI АСР — АХБОРОТ, ФИКР, ТАФАККУР АСРИ!
«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» — АХБОРОТ, ФИКР, ТАФАККУР ТАРАФДОРИ!
«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ОБУНА БЎЛИНГ!

НАШРЛАРИМИЗ ИНДЕКСИ:
«Ўзбекистон овози» — 220
«Голос Узбекистана» — 121
«Осиё бозори» — 174

Ноябрь ойида Хитойда навбатдаги аҳолини рўйхатга олиш тадбири ўтказилади. Дунёдаги энг сераҳоли ҳисобланган мазкур мамлакатда бу тадбирни амалга ошириш жуда муҳим. Зеро, Хитой ҳукумати унинг натижаларига қараб, мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий истиқболини белгилайди. Ҳозир Хитойда 350 миллион оила бор.

***

Гондураслик инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси Лео Валдареснинг эркатой ўғли кўчада балоғатга етмаган тиланчига салақа бериш ўрнига унинг кўзига чекиб турган сигаретини босгани учун ҳибсга олинди. Энди «инсонпарвар» Л.Валдарес кимни ҳимоя қилишни билолмай ҳайрон.

***

Нигериянинг Кано штатида эркак гинекологлар учун қора кунлар бошланди. Улар ноябрь ойигача бошқа иш топиши керак. Чунки штатда шариат аҳкомлари кучга кирди. Бу эса эркак шифокорлар учун номаҳрам аёлларни даволаш тақиқланади, деган гап.

***

Франциянинг Клемон-Феррон шаҳри атрофидаги ўрмондан оғирлиги 29 килограмм келадиган қўзиқорин топилди. Бозорда қўзиқоринниг баҳоси қиммат бўлишига қарамай, уни ноёб экспонат сифатида музлаткичда сақлашга қарор қилинди.

***

Жанубий Кореяда самокат миниш урфга кирмоқда. Донаси 100 доллар туришига қарамай, ҳозиргача 4 миллион дона самокат сотилди. Қизиғи шундаки, одатда бу матоҳга болалар ўйинчоғи деб қаралади. Бироқ, кўчалардаги тиғизлик автомобиль ҳаракатини секинлаштириб юборяётгани боис, ҳозир унга катта ёшли одамлар ишқибоз бўлаётир.

***

Угандада ичкиликбозлик ва нашаванд лик натижасида юз берган фожиа барчани даҳшатга солди. Нтунгамо қишлоғида бир банги спиртли ичимлик ичиб, устидан марихуана чекиб олди-да, қутуриб, қўлида пичоқ билан ташқарида ўйнаётган болаларга ҳужум қилди. У болаларнинг уч нафарини чавақлаб ташлади, тўрт нафарига оғир жароҳат етказди.

***

Ўтган йили Мексикада бўлиб ўтган намойишда Гондурасдан келтирилган майя қабиласига оид ноёб маданий экспонат ўғирлаб кетилган эди. Энди унинг дараги чиқди: экспонат АҚШга олиб кетилган экан.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ И. А. КАРИМОВ БИЛАН УКРАИНА ПРЕЗИДЕНТИ Л. Д. КУЧМАНИНГ ҚЎШМА БАЁНОТИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Республикаси ва Украина уларнинг барқарорлиги ва миллий хавфсизлигига хуруж ва таҳдидларга қарши туришда минтақавий ва халқаро даражаларда бир-бирини қўллаб-қувватлашга тайёр эканликларини тасдиқладилар.

4. Президентлар минтақавий ва умумдунёвий миқёсларда тинчлик, барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашда икки мамлакатнинг ҳамкорликдаги ҳаракатларини чуқурлаштириш принципиал муҳим характерга эга эканлигини таъкидлаб ва бу соҳада ҳам икки томонлама, ҳам халқаро ташкилотлар ва кўп томонлама ҳамкорлик механизмлари доирасида ҳамкорликни ривожлантиришга тайёр эканликларини изҳор этдилар.

5. Олий Томонлар афғон можаросини ҳал этишнинг тинч йўлларини қидириб топишда БМТ мувофиқлаштирувчилик ва етакчилик ролини ўйнагани ҳолда Афғонистон бўйича «6+2» гуруҳи механизмини фаолроқ қўллаш зарурлигини таъкидладилар.

6. Президентлар ўз давлатларининг Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисида шартнома (ЯҚТШ)га содиқлигини тасдиқлаган ҳолда, ЯҚТШ мақсадига эришиш учун ҳал қилувчи омиллардан бири сифатида жаҳонда ядро қуролидан холи зоналарни барпо этишни маъқуллайдилар ҳамда Марказий Осиёда бундай зонани барпо этиш минтақавий ва ялпи хавфсизликни мустаҳкамлашнинг энг муҳим жиҳатларидан бири эканлигини баён қиладилар.

7. Украина Президенти Ўзбекистон Республикаси Президентининг БМТ доирасида Терроризмга қарши кураш бўйича халқаро марказ тузиш ташаббусини қўллаб-қувватлашини билдирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Украина Президентининг Компьютер терроризмга қарши кураш тўғрисида халқаро конвенцияни ишлаб чиқиш тўғрисидаги ва Киевда ЕХҲТ шаъфелигида этник тадқиқотлар минтақавий марказини ташкил этиш тўғрисидаги ташаббусларини қўллаб-қувватлади.

8. Ўзбекистон Республикаси ва Украина терроризм, диний экстремизм, қуролярғларнинг ноқонуний савдоси, наркобизнес, ноқонуний кўчиш ва уюшган жиноятчиликка қарши курашда бундан кейин ҳам икки томонлама ҳамкорликни ривожлантирадилар ва чуқурлаштирадилар.

9. Олий Томонлар 2000 йил сентябрида Нью-Йоркда бўлиб ўтган ГУЎОМ анжумани доирасида қабул қилинган қарорлар асосида ГУЎОМ доирасидаги ўзаро ҳамкорликни янада фаоллаштириш заруратини тасдиқладилар. Нью-Йорк меморандуми қоидаларига амал қилиб, Ўзбекистон ва Украина «Европа-Кавказ-Осиё» транспорт-робитаси тизимининг ишлашига унинг инфратузилмасини ривожлантириш, хавфсизлиги ва ундан самарали фойдаланишни таъминлаш бўйича тегишли келишилган ҳамда ўзаро мақбул чоралар кўриш орқали ҳар томонлама кўмаклашишга тайёр эканликларини изҳор этдилар.

Шу муносабат билан ГУЎОМ бирлашмаси, ишонч ва хавфсизликни ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнашни давом эттиргани ҳолда, янги ривожланиш босқичига кирмоқда, унинг моҳияти иқтисодий ҳамкорликни тубдан чуқурлаштириш, хусусан, ГУЎОМ доирасида эркин савдо режимини барпо этиш бўйича ишни фаоллаштиришдан иборатдир.

10. Президентлар ўзаро манфаатли иқтисодий ва савдо алоқаларини кенгайтириш мақсадида ҳар томонлама ҳамкорлик бўйича қўшма ўзбек-украин комиссияси ишининг самарадорлигини ошириш зарурлигини таъкидладилар.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасидан Украинага табиий газни етказиб бериш ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали Украинага Туркманистон табиий газини транзит ўтказиш тўғрисидаги Ўзбекистон — Украина битимларини самарали амалга ошириш ўзаро манфаатли бўлиши қайд қилинди.

11. Президентлар икки мамлакат ўртасида инсонпарварлик соҳасида, хусусан, маданий ва илмий-техникавий соҳаларда ўзаро муносабатларни янада ривожлантириш ҳамда чуқурлаштириш муҳимлигини таъкидладилар, шунингдек, Украина илмий-технологик маркази (УИТМ) фаолияти доирасида Ўзбекистон Республикаси ва Украина ҳамкорлигидан қониқиш изҳор этдилар.

12. Президентлар икки томонлама муносабатларнинг шартнома-ҳуқуқий базасини мукаммаллаштириш бўйича ўтказилган ишларнинг муҳимлигини қайд этдилар. Бунинг натижасида 1998 йил 20 августда имзоланган Ўзбекистон Республикаси ва Украина ўртасида Ўзбекистон Республикасидан Украинага депортация қилинган, қайтиш истагини билдирган шахсларнинг фуқаролик масалаларини ҳал этишга кўмаклашиш тўғрисида Аҳдлашувнинг амал қилиш муддатини 2001 йил 31 декабргача узайтиришга қарор қилинди, шунингдек, бир қатор бошқа икки томонлама халқаро шартномалар имзоланди.

Украина Президенти Л. Д. Кучманинг Ўзбекистон Республикасига ташрифи, мазкур ташриф доирасида бўлиб ўтган учрашув ва музокаралар икки давлат муносабатларига хос дўстлик, ишонч ва тўла ҳамжиҳатлик руҳида ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. КАРИМОВ

Украина Президенти Л. Д. КУЧМА

Тошкент шаҳри, 2000 йил 12 октябрь

ҚОРАКЎЛУ ҚОРАБАЙИРЛАРНИ ЎЙЛАБ

Сур қоракўллар, учқур қорабайирлар ҳамда Буюк ипак йўлида узоқ йиллар қўнғироқларини жаранглатиб ўтган нортуялар ҳам миллий ифтихордир. Навоий вилояти ҳокимлиги ҳамда Нурота туман ҳокимлиги ўзаро ҳамкорликда ана шу мавзуда уюштираётган илмий-амалий семинарга қизиқиш ҳам шундан. Бугун Нурота туманидаги Файзулла Хўжаев номли ширкат хўжалиги ҳудудида ана шундай йиғин бўлади.

—Ўзига хос бу кенгашда қоракўл қўйлари ва улардан олинаётган қоракўл терилариga талаб ортиб бораётгани ҳамда қорабайир зотли отларни, туячиликни ривожлантиришга чет эл сармояларини жалб этиш масалалари кўрилади, — дейди вилоят ҳокими Ғ.Дилов.

Йиғилишда Навоий, Бухоро ва Самарқанд вилоятларининг илғор чорвадорлари иштирок этадилар.

■ **Ўткир ПЎЛАТОВ**

ИЕ, ЙЎҒ-Е, НАҲОТКИ!

ЭНГ...

...қадимий ва қисқа мадҳия японларникидир. Унинг тўрт мисраси IX асрдаёқ ёзилган. Энг узун мадҳия эса грекларники бўлиб, у 158 мисрадан иборат.

***

...қадимий пойтахт Сурияниинг Дамашқидир. Унинг узлуксиз «пойтахтлик стажи» эрамиздан аввалги икки мингинчи йилдан бошланади.

***

...кичик армия Сан-Марино давлатида бўлиб, атиги 11 кишидан иборат. Исландия ва Лихтенштейнда эса армия йўқ.

***

...қадимий тангалар қадимги Лидия давлатига (Кичик Осиё) тааллуқли. У тахминан эрамиздан аввалги 700 йилда олтин ва кумушдан ясалган.

***

...оғир танга шведларнинг 10 доллар қийматга эга бўлган мис тангасидир. У 1650 йили чиқарилган. Оғирлиги 17,5 кило.

***

...улкан қандолат пишириғи бадавийлар (кўчманчи араблар) тўйида тайёрланган. Ушанда ҳақиқий туя билан тенг ҳажмда «туя пирог» пиширилган.

***

...ҳақиқий севги немис фуқароси Фридрих Ребольд ва француз қизи Матильда Эрнеларда эътироф этилган. Улар ўз севгиларига муносиб тарзда никоҳ кунини белгилашади. Бироқ ота-оналарининг илтимосига кўра маросимни 2 йил кейинга қолдиришади. Аммо тақдирнинг тошдан қаттиқ чиғириғи сабаб қиз томоннинг оиласи яшаш жойини ўзгартиришга мажбур бўлади ва бу ҳақда куёвга хат ёзади. Тақдир ҳазилини қарангки, куёв томон ҳам ўша пайтда оиласи билан яшаш жойини ўзгартирган ва бу ҳақда қизга хат ёзган эди. Афсус хатлар манзилини топмайди ва улар айрилиқ азобига гирифтор бўлади. Лекин яратган эгам суйган бандасига барибир инъомли: улар 70 йилдан сўнгтина тасодифан учрашиб қолади ва бу safar яна айрилиқ юз бермаслиги учун тезда тўйларини ўтказишади. Уларда севгига вафо қудрати шунчалик эдики, иккови ҳам ҳали турмуш қурмаган, яъни бир-бирини кутишарди.

***

...биринчи серфарзанд она русларга тегишлидир. Шуй қишлоғида яшовчи Васильева 69 нафар фарзанд кўрган, яъни 16 эгизак, 6 нафар уч эгизак, 2 марта тўрт эгизак ва қолганлари якка-якка туғилган. Бу ҳақда 1782 йил 27 февралда Никольск черковининг бош руҳонийси Москвага хабар берган. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Васильеванинг барча фарзандлари соғ-саломат умр кечирган.

***

...кўп фарзандлик бўйича рекорд кўрсаткич зимбабвелик Туме Нзумаказега насиб этган. Аҳолини рўйхатга олиш мавсумида комиссия Тумега 136 та туғилганлик гувоҳномасини тақдим этган. Туменинг 24 нафар хотини бўлиб, улар ҳар хил қишлоқда яшаган. Қизиғи шундаки, унинг фарзандларини рўйхатга олиб, ҳужжат тайёрлаш учун муниципалитетнинг аҳолини рўйхатга олиш комиссияси вакиллари бир неча кун овора бўлишган.

***

...йирик ўғилни турк аёли туққан. Чақалоқ 11 килолик тош босган.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

ТОШКЕНТ – МИЯЗАКИ – БУХОРО – САМАРҚАНД

Мамлакатимизда ўтаётган Япония маданияти кунларида юртдошларимиз кунчиқар мамлакатнинг урф-одатлари, бетакрор санъати билан яқиндан танишмоқдалар. Японияниинг ўзида ҳам Ўзбекистонга бўлган қизиқиш ошиб бормоқда. Чунончи, кўҳна Бухороға Миязаки шаҳридан 200 яқин сайёҳ ташриф буюрди. Японияник сайёҳлар «Буюк ипак йўли»даги қадимий шаҳарлар — Бухоро ва Самарқанднинг тарихий-меъморчилик обидалари билан яқиндан танишадилар.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги авиаташувлар бозорини ҳар томонлама ўрганмоқда, Токиода унинг ваколатхонаси фаолият кўрсатяпти. Зеро, Япония билан ҳаво қатновларини йўлга қўйиш мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантиришга кўмаклашади. Япония ривожланаётган мамлакатларга иқтисодий кўмак кўрсатишни халқаро фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири, деб ҳисоблайди. Шу ўринда унинг Ўзбекистон иқтисодиётининг турли тармоқларига ва маданиятига қўшаётган инвестицияларини тилга олиш жоиз. Япония кредитлари ҳисобига мамлакатимизнинг асосий сайёҳлик марказлари — Бухоро, Самарқанд, Урганч аэропортлари такомиллаштирилди. Японияндан Бухорога ташриф буюрган меҳмонлар ҳам амалда бунга ишонч ҳосил қилишлари мумкин. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг Японияндан Ўзбекистонга ташкил этган чартер қатновларининг янги дастури мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

■ **Алишер РЎЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

Ҳукуматимиз аҳоли хонадонларини газлаштириш, юртимизнинг чекка қишлоқларигача «зангори олов»ни етказишга катта аҳамият бермоқда.

Жиззах тумани газлаштириш идораси жамоаси бу йўлда кўпгина хайрли ишларни амалга оширди. Яқинда ушбу жамоанинг саъй-ҳаракати билан тумандаги Ҳамроқул Турсунов номли ва «Янги ҳаёт» хўжалиги ҳудудида янги газ тармоқлари ишга туширилди. Эндиликда йил охиригача яна қўшимча 49 километр узунликдаги газ тармоқларини фойдаланишга топшириш кўзда тутилган.

СУРАТЛАРДА: *1.Туман газлаштириш идораси бошлиғи Мелибой Оқилов, чилангар Нуриддин Тоғаев ва бош муҳандис Тойир Хайриддиновлар боғланиш тармоқларини кузатмоқда. 2. Пайвандчи Ринат Султонов ҳамда чилангарлар Орзиқул Қосимов ва Дониёр Сиддиқовлар иш устида.*

■ **Шавкат АКРАМОВ олган суратлар.**

ИСЛОХОТ ВА МАСЪУЛИЯТ

ТОЛА СИФАТИ — ИҚТИСОД КАФОЛАТИ

Навоий вилоят «Пахтасаноатсотиш» акционерлик бирлашмаси раиси Мамаёқуб Назаров билан мулоқот

— Маълумки вилоятимиз нафақат саноат ва қазилма бойликлари, балки қоракўлчилик, пахтачилик жиҳатидан ҳам катта салоҳиятга эга. Шу боис, саволни аграр тармоқнинг бош бўғини — пахтачиликдан бошласак. Айтинг-чи, қандай йўл тутилса пахтанинг толалик даражаси ва сифати ортади?

— Мустақил юртимизда пахтачилик асосий тармоқ саналади. Мамлакатимизнинг дунё миқёсида танилишида, жаҳон бозоридаги рақобатбардош моллар ва маҳсулотлар қаторида пахта асосий ўрин тутади. Агар ҳар йили ўртача 4 миллион тонна атрофида пахта ишлаб чиқараётган бўлсак, шунинг 120 минг тоннаси навқирон вилоятимиз ҳиссасига тўғри келади.

Вилоят умумий ҳудудининг учдан икки қисми Қизилқум саҳроси, Маликчўл ва Ўртачўл кенгликларидан иборатлигини ёхуд Зарафшон дарёси сатҳи тушиб, сурункали қурғоқчилик «хуруж» қилаётганини ҳисобга оладиган бўлсак, бу рақам вилоят учун салмоқли экани кўринади.

Ўтган йили ишлаб чиқаришдаги қатъий назорат, замонавий илғор технология асосида ялпи ҳосилдан 38 минг 500 тонна сифатли тола ажратиб олдик. Хомашёнинг толалик даражасидаги режа эса 31,45 ўрнига 32,10 фоизга бажарилди. Бу 750 тонна қўшимча тола демак. Хўш, бу толани пулга чақсак-чи? Унда 95 миллион сўмлик соф даромад яққол намоён бўлади. Сўзсиз муваффақият ўз-ўзидан бўлмас. Гап шундаки, пахта тозалаш корхоналарида ишлар қатъий шартнома ва мусобақа асосида ташкил этилган. Албатта, вилоят механика таъмирлаш ва таъминот устахонасини ҳамда транспорт автокорхонаси жамоалари кўмагини ҳам алоҳида қайд этиш жоиз.

— Жаҳон андозалари даражасида қайта ишланган тола тойларининг тақдири, аниқроғи, экспорти хусусида ҳам тўхталсангиз.

— Ўша 38 минг 500 тонна толанинг атиги 10 фоизигина маҳаллий саноат ва республика ички эҳтиёжи учун қолди, холос. Қолган 90 фоиз толани фақат четга, яъни шартнома асосидаги давлатларга жўнатдик. Маълумки, ташқи иқтисодий ҳамкорлик валюта тушумини кўпайтиради. Мустақил давлатимиз иқтисодий салоҳиятини оширади. Шунинг учун ҳам биз саноатчилар асосий диққат-эътиборни тола сифатига, унинг толалик даражасининг муттасил ортишига қаратаяпмиз. Тола сифати ортдими, хорижий шерик кўпаяди, сармоя салмоғи ортади. Айни кезда жаҳоннинг ўнлаб нуфузли давлатлари билан ҳамкорлик қиляпмиз. Хусусан, Швейцария, Франция, Германия, Италия, Испания, Буюк Британия, Россия каби мамлакатларнинг энг йирик фирма ва компанияларини кўрсатиш мумкин. Толамиз сифати, салмоғи жаҳонда бозорбоп экани учун ҳам хорижий шартномачилардан, ишонарли шериклардан минатдорчилик мактублари, ҳамкорлик қилиш ниятидаги хатларини олиб турибмиз, Ният — бундай ишончни янада оқлашдан иборат.

— Бу йилги мавсум ҳақида ҳам...

— Бу йил вилоят бўйича 115 минг тонна пахта ишлаб чиқариш режалаштирилган. Бунинг учун 41 та жамоа ширкат хўжаликлари, 492 та деҳқон-фермерлар билан қатъий шартнома белгиланган. Биз эрта куздаёқ кўзланган даражада мўл ҳосил олиш учун шартномачиларга 1 миллиард 837 миллион 278 минг сўм пулни аванс тарзида бердик. 245 та у ёки бу турдаги чопиқ тракторлари харид қилинишига кўмаклашдик. Мақсад — сифатли хомашё етиштириш. Яна бир ютуғимиз уруғлик чигитни тўлиқ ўзимизда тайёрлаганимиздир. Илгари четдан 1,5 минг тоннагача уруғлик чигит сотиб олиш учун ўртача 10-11 миллион сўм харажат қилинарди. Четдан келтирилган уруғ кўпинча шароитимизга мос келмай, мўл ҳосилга путур етарди. Йил бошида 15 минг тонна уруғлик тайёрлаб, ортган 2,5 минг тонна чигитни Тошкент, Жиззах, Самарқанд вилоятлари, Қорақалпоғистонга сотдик. Бу ўз навбатида иқтисодимиз устуворлигига хизмат қилди.

Мавсумолди тайёргарлик ишлари кўнгилдагидек олиб борилди. Ҳозиргача қабул пунктларига 70 минг тоннадан зиёд пахта қабул қилиб олинди. Шу хомашёнинг 20 минг тоннадан ортиғи қайта ишланиб, тола чет элга экспорт қилинди. Ишчиларнинг ижтимоий ҳимояси, турмуш тарзи диққат-эътиборимизда. Исматилла Болтаев, Фахриддин Шаманов, Шуҳрат Мавлонов, Шоди Каромов, Суннат Носиров, Жаҳонгир Абдиев, Раҳматилла Абдуллаев, Холмўмин Йўлдошев каби малакали мутахассислар билан фахрланса арзийди.

— Бирлашмада турдош корхоналар, кичик ва ёрдамчи цехлар очиш қай аҳволда? Янги ишчи ўринлари, ёшларни касб-ҳунарга йўллаш масаласи ҳам дурust бўлса керак?

— Бирлашмада жами 1800 киши меҳнат қилса, шунинг тенг ярми ёшлардир. Кейинги 3 йилда пахта тозалаш корхоналари ҳузурида бичиш-тикиш, тўқув кичик корхоналари очиб, юзлаб ёшларни ишга қабул қилдик. Шунингдек, тола тойлари учун сим белбоғлар тайёрлаш, электродвигателларни қайта таъмирлаш цехлари очилди. Хатирчи пахта тозалаш корхонаси қошида шлака-бетон ғиштлари, Қизилтепа пахта тозалаш корхонаси ҳузурида эса ип-калава ишлаб чиқариш ёрдамчи корхоналари ҳам иш бошлаяпти.

Хуллас, ишлар кўп. Мақсад эса битта. У ҳам бўлса тола сифати ва салмоғини муттасил ошириб, иқтисодий устуворликни, даромад ва буромадни кафолатлашдан иборат. Бозор муносабатлари, ислоҳотлар даври талаби ҳам худди шуни тақозо этади.

■ **Суҳбатдош: Музаффар ШАРОПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

TV

ДУШАНБА 16

Телетомошабинлар диққатига!
Профилактика муносабати билан душанба, 16 октябрь «Ўзбекистон» 1 телеканали кўрсатувлари соат 15.00 дан бошлаб кўрсатилади.

15.00 Футбол. Осиё кубоги-2000.
16.40 ТВ-метео.
16.50 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
17.10 ТВ 1 намойиш этади: Телеанонс.
17.25 2000 йил - Соғлом авлод йили «Соғлом авлод — бу бизнинг келажагимиз».
17.55 ТВ-маркет.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Наво таралсин». Мусиқий дастур.
18.25 ТВ-патрул.
18.35 «Тафсилот».
18.50 «Бахтли воқеа».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Шийпондаги учрашувлар». Жиззах вилояти Зафаробод тумани меҳнаткашлари ҳузурида.
21.35 «Маънавият» дастури.
22.10 «Футбол шарҳи».
22.25 «Экспедиция». Телесериал премьераси. 23-қисм.
23.15 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Юрагимда унган гулзорим». Премьера.
23.40 «Ахборот».
00.15-00.20 Ватан тимсоллари.

Телетомошабинлар диққатига!
Профилактика муносабати билан душанба, 16 октябрь «Ёшлар» телеканали соат 16.00да бошланади.

16.00 Кўрсатувлар дастури.
16.05 «Янги авлод» студияси: «Билагон маслаҳати», Болалар учун концерт, «Мультфомоша».
16.40 «Мусиқий лаҳзалар».
16.50 Футбол бўйича Осиё кубоги. Ливан - Ироқ.
18.25 «Жараён».
18.45 «Мусиқий лаҳзалар».
18.55 «Иқлим».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс.
19.35 «Қишлоқдаги тенгдошим».
19.55 «Мусиқий лаҳзалар».
20.00 «Ёшлар овози».
20.20, 21.05, 22.30 Эълонлар.
20.25 «Экофестиваль-2000».
21.10 «Ҳандалак». Ҳажвий тележурнал.
21.30 «Мусиқий лаҳзалар».
21.35 «Бир пиёла чой устида».
21.55 «Иқлим».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Мусиқий лаҳзалар».
22.40 «Даллас». Телесериал.
23.25 Футбол бўйича Осиё кубоги. Жанубий Курия- Кувайт. Танаффус пайтида (0.10) «Давр». Ахборот дастури.
1.15-1.20 «Тонг юлдузи».

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00, 21.00, 22.30, 23.45 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.25 «Осойишталик фидойилари».
18.40 «Экспресс» телегазетаси.
18.55, 20.30 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
19.45 ТТВда сериал: «Қора дур доналари».
21.25 «Омад» тележурнали.
21.45 ТТВ да сериал «Машҳур ва бадавлат одамлар».
22.55 Оҳанглар ва эълонлар.
23.00 Кинонигоҳ, «Шов-шув».
00.10 «Хайрли тун, шаҳрим!»

14.50-15.50 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
15.50 Кўрсатувлар тартиби.
15.55 «Бобил минораси». Телесериал.
17.00 Мультчархпалак.
17.20 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
17.45 «Мени кутгил».
18.35 «Жадаллаштирилган ёрдам-2», «Ишонч кучи». Сериал.
19.05 «Қора хона». Сериал.
19.50 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
20.00 «Время».
20.40 «Муҳаббат тарихи». Сериал.
21.25 «Бизнес-ревю».
21.45 «ТВ-4да Немис тўлқини».
22.00 «Вести».
22.30 «Мусиқий калейдоскоп».
23.10 Кинематограф. «Ўзга замондан...» Бадиий фильм.
00.50 Ахборот» (рус тилида).
1.15 «Тунингиз осуда бўлсин».

Соат 18.00 га қадар профилактика.

18.00 Дастурнинг очилиши.
18.05 «Телеҳамкор».
18.35 «Сейлормун». Мультсериал.
19.00 «Қалблар қироличаси». Телесериал.
19.50 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
19.55 «Телеҳамкор».
20.25 «Клип-совға». Телетабрикнома.
21.25 Метеохабар.
21.30 «30-канал»да кинооқшоми. «Саламандра». Детектив (АҚШ).
23.15 «30-канал»да премьера. «Дадажоним-майор». Ҳажвий сериал (АҚШ).
23.40 «Латифани эшитдингизми?». Ҳажвий дастур.

СЕШАНБА 17

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ-маркет.
8.40 Марказий газеталар шарҳи.
8.55 «Қуёшли юрт қушиқлари». Мусиқий дастур.
9.20 ТВ-метео.
9.30 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Янги алифбони ўрганамиз.
10.25 «Бешбармоқ». Тележурнал.
10.45 Кундузги сеанс: «Дон-Кихот фарзандлари». Бадиий фильм.
12.05 «Маънавият» дастури.
12.40 ТВ-метео.
12.50 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
13.10 «Экспедиция». Телесериал. 23-қисм.

«Спорт» дастури:

14.10 1. Теннис бўйича «Челленжер» Халқаро мусобақалари. Ярим финал. Бухоро. 2. «Алпомиш ўйинлари». Фарғона.
15.10 ТВ-анонс.
15.20 «Шийпондаги учрашувлар». Наманган вилояти Уйчи тумани меҳнаткашлари ҳузурида.
15.55 «Гозу турналар», «Петянинг орзуси». Мультфильмлар.
16.35 «Нотаниш дил суҳбати».
16.50 ТВ-клип.
16.55 «Ватанимга хизмат қиламан».
17.55 ТВ-маркет.
18.10 Болалар учун. «Гулғунчалар».
18.30 «Ҳамкорлик ришталари».
18.45 «Олтин мерос». Мусиқий дастур.
19.05 «Фермер».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Энергетика - иқтисодиёт таянчи».
20.30 «Ахборот».
21.05 А. Навоий таваллудининг 560 йиллигига. «Навоийхонлик».
21.15 Футбол. Осиё кубоги-2000.
22.55 ЎзТВ экранида биринчи марта. «Қалбим чечаги». Бадиий фильм. 1-қисм.
23.35 «Ахборот».
00.10 В. Шекспир. «Қирол Лир». Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театри спектаклининг премьераси. 1-қисм.
1.35-1.40 Ватан тимсоллари.

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Билагон маслаҳати», Болалар учун концерт, «Мультфомоша».
9.50 «Мусиқий лаҳзалар».
10.00 «Аср қиёфаси».
10.20 «Рей Брэдбери театри». Телесериал. 1-қисм.
10.45 «Мусиқий лаҳзалар».
11.00 «Ёшлар ва маънавият».
11.15 «Олтин мерос».
11.30 «Даллас». Телесериал.
12.15 «Садо-99» саҳифаларидан.
12.30 Футбол бўйича Осиё кубоги. Хитой - Индонезия.
14.00 «Мусиқий лаҳзалар».
14.15 «Экофестивал-2000».
14.55 «Мусиқий лаҳзалар».
15.00 «Баҳс».
15.20 «Қотиллик пайидан». Телесериал (Италия). 1-қисм.
16.05 «Мусиқий лаҳзалар».
16.15 Кўрсатувлар дастури.
16.20 «Янги авлод» студияси: «Боланинг тили», «Соғлом авлод». Телеўйин.
16.55 «Жиловланмаган Африка». Телесериал.
17.45 «Таянч».
18.00 «Мусиқий лаҳзалар».
18.05 «Марду-майдон».
18.25 «Иқлим».
18.30 «Давр». Ахборот дастури.
19.00 Футбол бўйича Осиё кубоги. Япония - Ўзбекистон. Танаффус пайтида (19.45). «Давр»- интервью.
20.50 Мусиқий лаҳзалар
20.55, 21.35, 22.30 Эълонлар.
21.00 «Келинсалом». Видеофильм. 1-қисм.
21.40 «Мусиқий лаҳзалар».
21.55 «Иқлим».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Мусиқий лаҳзалар».
22.40 «Даллас». Телесериал.
23.25 Футбол бўйича Осиё кубоги. Саудия Арабистони - Катар. Танаффус пайтида (0.10). «Давр». Ахборот дастури.
1.20-1.25 «Янги тонг».

7.30 «Пойтахт». Ахборот дастури.
7.55 «Экспресс» телегазетаси.
8.10 «Омад» тележурнали.
8.30 «Рамаяна». 75-қисм.
9.05 Халқ саломатлиги йўлида.
9.30 «Пойтахт». Ахборот дастури (рус тилида).
9.55 - 11.35 Кинонигоҳ. «Соя».
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00, 21.00, 22.30, 23.45 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.25 Ханда дўкони.
18.45 «Экспресс» телегазетаси.
19.00, 20.30 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
19.45 ТТВда сериал: «Қора дур доналари».
21.25 «Омад» тележурнали.
21.45 ТТВ да сериал «Машҳур ва бадавлат одамлар».
22.55 Оҳанглар ва эълонлар.
23.00 Кинонигоҳ, «Шов-шув».
00.10 «Хайрли тун, шаҳрим!»

РЖТ 6.30-8.00
14.50-15.50 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
15.50 Кўрсатувлар тартиби.
15.55 «Бобил минораси». Телесериал.
17.00 «Мультчархпалак».
17.15 «Голливуднинг ёввойи юлдузлари». Сериал. 1-қисм.
17.45 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
18.00 «Менинг оилам».
